



СОЯНИНГ “НАФИС” НАВИНИ ЎСИШ ДИНАМИКАСИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ВА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРИНИНГ ТАЪСИРИ

Тешабоев Азизбек Муҳаммаджонович

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини, магистри*

Аннотация: Соянинг “Нафис” навини асосий экин сифатида турли (170минг/га; 200минг/га; 250минг/га) кўчат қалинлигида ва азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни турли нисбатларда қўллашнинг ўсимликнинг ўсиш динамикасига таъсири.

Калит сўзлар: соя, экиш муддати, экиш меъёри, уруғ, унувчанлик, ўсиш, ўсимликнинг бўйи.

Бугунги кунда дунёнинг 104 мамлакатларида йилига 120,5 млн. гектар майдонда соя парваришланиб, натижада 333,7 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштиришга эришилмоқда, бу ўз навбатида соя етиштирувчи мамлакатларда киши бошига 50 кг дан тўғри келади. Ҳалқаро статистика маълумотларига қараганда “2022–2023 йилларда Жанубий Америка қитъасида соя майдонларининг кенгайиб бориши ҳисобига дунёда глобал соя ишлаб чиқариш 11% га оширилиб, дон ҳосилдорлиги 389 млн тоннани ташкил этгани ҳолда рекорд даражага етиши кутилмоқда”¹, аммо сўнги йилларда жаҳон деҳқончилигида соя ялпи дон ҳосилдорлигининг камайиб бориши соянинг янги, глобал иқлим ўзгаришига ҳамда қурғоқчиликка чидамли, касаллик, зараркунанда ва хашаротларга бардошли бўлган навларини яратиш, уларни етиштиришда ресурс тежамкор инновасион технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. [1; С-134-136 б]

Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда тупроқ-иқлим шароитига ва ўсимликларнинг биологик хусусиятларига кўра, қўлланиладиган агрономик омиллар, хусусан азотли ўғитлар меъёрини тўғри белгилаш талаб этилади. Маъданли ўғитлар барча ўсимликлар каби соя ўсимлигининг ўсув

¹ <https://latifundist.com/rating/top-10-proizvoditelej-soi-v-mire-v-2019-godu>



даврининг узун ёки қисқа бўлишига ўз таъсири кўрасатади. Масалан азотли ўғитлар меъёрин ошириш, соя навларининг пояларни бақувват қилиб, барглари қалинлашиб, вегетация даври 12-16 кунга чўзилиши кузатилган. Аммо бир нарсга эътибор бериш лозимки, эртапишар навларда азотли ўғитлар таъсирида вегетация даври 6-8 кунга чўзилиши ва кепчпишар навларда эса 12-16 кунга узайиши маълумдир. [2; С-227 б]

Бундай навларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун худуднинг кундузги соат давомийлигини инобатга олган ҳолда, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш фазаларини ўрганиш ҳамда уларнинг репродуктив органларнинг шаклланиши ва уруғ ҳосилдорлиги қийматида таъсирини таҳлил қилиш керак.

Тажрибада соянинг бутун вегетация даврида ўсиши ва ривожланишига азотли ўғитлар меъёри ҳамда навнинг ирсий белгилари катта таъсир кўрсатди.

1-жадвал

Соя уруғларининг униб чиқиш давомийлигининг ўзгариши

Вариантлар	Нав номи	2022 йил			
		кўчат қалинлиги (минг туп)	уруғларни экиш, сана	уруғларнинг униб чиқиши, сана	уруғларнинг униб чиқиш даври, кун
N ₃₀ P ₇₀ K ₅₀ кг/га	Нафис	170	21.04	27.04	6
N ₆₀ P ₉₀ K ₆₀ кг/га	Нафис	200	21.04	27.04	6
N ₆₀ P ₉₀ K ₆₀ кг/га	Нафис	250	21.04	27.04	6
N ₉₀ P ₉₀ K ₆₀ кг/га	Нафис	200	21.04	27.04	6
N ₉₀ P ₉₀ K ₆₀ кг/га	Нафис	250	21.04	27.04	6

Соя уруғларининг униб чиқиши учун энг қулай шароит 2022 йилда кузатилиб, бу йилда апрел ойининг иккинчи ўн кунлиги охирида ёғингарчилик бўлмаганлиги сабабли экиш 6 апрелда ўтказилиши, ҳамда учинчи ўн кунликда ёғингарчилик ўта кам (4,4 мм) бўлиши натижасида уруғларнинг униб чиқиши 5-6 кунни ташкил этди.

А.В.Красовская А.Ф.Степановларнинг (2015) тадқиқотларида ёғингарчилик миқдорининг ошиб бориши ва суткалик ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, соя уруғларининг униб чиқиш даври давомийлигининг ошишига олиб келиши таъкидланган. Бизнинг тажрибаларимизда ҳам ушбу қонуният ўз исботини топди.



Ўсимликларнинг ривожланишига турли омиллар - нав хусусиятлари, тупроқ ва об-ҳаво шароити, етиштириш технологияси таъсир қилади.

Ўсимликлар ўсиши ва ривожланишининг физиологик ва биокимёвий жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Ўсимликнинг морфологик белгиларига, ҳосил структурасига турли хил омиллар ўз таъсирини кўрсатиб ўтган [4; С. 149-152.].

2-жадвал

Соя “Нафис” нави ўсиш динамикасига кўчат қалинлиги ва ўғитлар меъёрининг таъсири.

Вариантлар	Кўчат қалинликлари	Ўсимлик бўйи, см			
		01.VI	01.VII	01.VIII	вегетация охирида
N30P70K50	170минг/га	16,3	27,5	44,8	58,2
N60P90K60	200минг/га	16,5	34,5	58,7	73,5
N60P90K60	250минг/га	17,1	38,2	64,8	80,6
N90P90K60	200минг/га	16,6	42,5	69,8	87,2
N90P90K60	250минг/га	16,5	46,9	74,5	94,7

Тадқиқотларимизда соя навлари ўсимлик бўйини вегетация давридаҳар ойнинг биринчи санасида ҳамда вегетация даврининг охирида ўлчаганимизда, навнинг биологиясига кўра ҳамда азотли минерал ўғитлар таъсирида ўзгаришини кузатилган.

Азотли минерал ўғит 30 кг, фосфорли ўғит 70 кг, калий ўғити 50 кг/га қўлланилган, кўчат қалинлиги 170 минг туп бўлган вариантда ўсимлик бўйи 1 июнь ҳолатига 16,3 см, июль ойида 27,5 см, август ойида 44,8 см ташкил этган бўлса вегетация охирига келиб 58,2 см ташкил этди. Иккинчи вариантда азотли ўғит 60 кг, фосфорли ўғит 90 кг, калий ўғити 60 кг/га қўлланилган кўчат қалинлиги 200 минг туп бўлган вариантда ўсимлик бўйи 1 июнь ҳолатига 16,5 см, июль ойида 34,5 см, август ойида 58,7 см ташкил этган бўлса вегетация охирига келиб 73,5 см ташкил этди.

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики азотли ўғитлар миқдори оширилган сари ўсимлик бўйи юқори бўлганлиги маълум бўлмоқда. Бу тажрибати зимида ҳам энг юқоринатижалар, бешинчи вариантда азотли ўғит



90 кг, фосфорли ўғит 90 кг, калий ўғити 60 кг/га қўлланилган кўчат қалинлиги 250 минг туп бўлган вариантда ўсимлик бўйи 1 июнь холатига 16,5 см, июль ойида 46,9 см, август ойида 74,5 см ташкил этган бўлса вегетация охирига келиб 94,7 см ташкил этиб, бошқа вариантларга нисбатан ўсимлик бўйи 7,5 см дан, 36,5 см гача юқорироқ бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атабоева Х.Н. Ўсимликшунослик.–Т.; Мехнат, 2000.–134-136 б
2. Атабаева Х.Н., Умарова Н.С. Соя биологияси, Т "Наврўз", 2020. 227 б.
3. Атабаева.Х.Н., Ачилов.Ф.С.-Соя етиштириш технологияси, Т. "Наврўз", 2021, 235 б.
4. Мухина М.Т. Применение регуляторов роста комплексного действия на урожайность и качество сои сорта Вилана / М.Т. Мухина //«Агроэкологические основы применения удобрений в современном земледелии» / матер. Междунар. науч. конф. молодых ученых, специалистов- агрохимиков и экологов (ВНИИА). – М.: ВНИИА, 2015. – С. 149–152.